

## ҲАҚИҚАТ УСТУНМИ ЁКИ МАНФААТ?

...туман ҳокимининг оғзаки кўрсатма-  
си билан ишдан четлатишиб ўрнига  
бошқа шахс тайинланди,  
натияжада кунлик тушум 60  
мингга камайди.

3  
БЕТ

## ХАВФСИЗЛИК КАМАРИ

Бундан бир неча йил олдин  
хавфсизлик камаридан фойдала-  
ниш тартиби бекор қилинган эди.  
Декан эшитишимча, яқинда бу  
қоида яна амалга киритилибди.  
Шу тўғриси?

9  
БЕТ

## ПОРАХЎР ИНСПЕКТОР

— Текширишни бугун якунлайман,  
Гапнинг ўтиб боласи 1500 АҚШ  
доллари берсангиз «ҳамма  
ишлари жойида»  
деган ҳужжатни ёзаман.  
Агар рози бўлмасангиз...

10  
БЕТ

## «ЁРДАМЧИ»

У хамроҳига синовчан боқди. Ёнда  
чехраси алақандай бир илминда  
ёришганини кўриб «иинди  
кармоққа» деб кўнгилаан ўтказди.  
«Чўкбатган одам хаста ёпиша-  
ди» деганлари шу-да.

12  
БЕТ

## Mustaqillik huquq demakdir

# Нидо



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2007-yil 12-aprel, № 15 (536)

### Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 22 ноябрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607-1-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6 сонга илова; 2003 йил, №1, 8-модда; 2004 йил, №1-2, 18-модда) **49-моддаси матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Никоҳ қуйидаги ҳолатларда ҳақиқий эмас деб топилади:

ушбу Кодекснинг 14-16-моддаларида белгиланган шартлар бузилганда;

сохта никоҳ тузилганда, яъни эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай никоҳ қайд қилдирилганда;

никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ касаллиги) борлигини иккинчисидан яширганда, агар иккинчиси судга шундай талаб билан мурожаат этса».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти** **И.КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2007 йил 6 апрель  
№ УРҚ – 84

### Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 22 мартда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2007 йил 30 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №9, 193-модда, №12, 269-модда; 1996 йил, №5-6, 69-модда, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №4-5, 126-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №3, 38-модда, №5-6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда, №7-8, 217-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда, №9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, №1, 20-модда, №9, 165-модда; 2003 йил, №1, 8-модда, №5, 67-модда, №9-10, 149-модда; 2004 йил, №1-2, 18-модда, №5, 90-модда, №9, 171-модда; 2005 йил, №1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, №9, 312-модда, №12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, №6, 261-модда, №9, 498-модда, №10, 536-модда, №12, 656, 659-моддалар) **125-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариш ва йўловчилар ташишда хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига, худди шуни-дек, мотоцикл ҳайдовчиларининг мотоцикллардан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаслиги, —  
энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

**2-модда.** Ушбу Қонун 2007 йил 1 июлдан эътиборан қучга қиради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти** **И.КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2007 йил 6 апрель  
№ УРҚ – 86

### Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 22 ноябрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №5-6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда, №9-10, 165-модда; 2002 йил, №9, 165-модда; 2003 йил, №1, 8-модда, №9-10, 149-модда; 2004 йил, №1-2, 18-модда, №9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, №9, 314-модда, №42, 417, 418-моддалар; 2006 йил, №6, 261-модда, №12, 656-модда) **185-моддасининг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қимматбаҳо металллар сирасига кирмайдиган рангли металллар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, —  
энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти** **И.КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2007 йил 6 апрель  
№ УРҚ – 85

## Эл саломатлиги йўлида

Ўтган ҳафта Андижон вилоят прокуратурасида туман ва шаҳар соғлиқни сақлаш, шошилинч тиббий ёрдам ва жароҳатлик, санитария-эпидемиология, тиббий-меҳнат экспертизаси муассасалари раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Вилоят прокуратураси раҳбарлари, вилоятдан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари иштирок этган маъруз йиғилишида соғлиқни сақлаш тизимида аниқланган қонуنبузарликлар, таъмагирлик ва совуққонлик ҳолатлари, бюджет маблағларини талон-тарож қилиш, иш ҳақи ва нафақа учун ажратилган маблағларни нотўғри сарфлаш каби иллатларни бартараф этиш вазифалари муҳокама қилинди.

Ушбу жиддий нуқсонлар ва қонуنبузарликлар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан идоравий назорат сусайтириб юборилганлиги, бюджет маблағларининг қонуний сарфланиши устидан доимий текширишлар ўтказиб борилмаганлиги, раҳбарлик лавозимларида нопок, шахсий манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиغان шахсларнинг тайинланганлиги натижасида келиб чиққанлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишида вилоят прокурори Баҳолир Деҳқонов бу каби салбий иллатлар шифокорларнинг обрўсига жиддий путур етказиши, шу боис ҳалқ ишончини қозониш учун қонуنبузарликларга йўл қўйган шахсларга нисбатан кескин чоралар қўриш, беморларга, айниқса кам таъминланган оилалар вакилларига етарли шарт-шароит яратиш ва бошқа шу каби долзарб масалалар хусусида гапирди.

Муҳокама натижаси бўйича кўрсатиб ўтилган қонуنبузарликларни бартараф этиш юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, унинг ижроси назоратга олинди.


Дониёр МАМАЖОНОВ,  
Андижон вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси





Qayerdan:

# Хатлар ва алоқалар билан sahifasi



Qayerga: Toshkent shahri, adabiyat Yul Foydalanuvchilari, 66.  
«Huquq» gazetasi nashriyatxona, 700047

## Мишадорчилик

### Чун дилдан раҳмат айтамиз

41 йил туманимиздаги «Раушан» хўжалигида ишчи бўлиб ишладим. Хўжалигимиз фермерликка айлан-тирилгандан кейин «Раушан Дийхан ата» МТПда хизмат қилдим. 2002 йилдан нафақаданман. Ҳаётимдан нолимайман, фарзандларим камолга етди. Улар ҳам ўзимдек ишчи бўлишди.

Шундай бўлса-да, ўтган йиллар давомида фарзандларим Қазбек,

Манас, Жарилкаган ва ўзимнинг «Раушан Дийхан ата» МТПдан бир қанча миқдордаги иш ҳақларимиз бор эди. Тирикчилик, рўзгор дегандай, оилада пулга зарурат туғилди. Шунинг учун иш ҳақларимизни сўраб МТП директори Қ. Содиковга мурожаат қилдим. Аммо у киши эртанин деб анча овора қилди. Сабрим туғаб прокуратурага мурожаат қилдим. Прокуратура аралашувида

сўнг иш ҳақларимизни тўлиқ олишга эришдик.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси, шунингдек туман прокуратураси ходимларига овилмаси номидан катта раҳмат деймиш. Доимо эл-юрт хизмати йўлида адолат тантанаси учун ҳормай ишлашларида мустаҳкам соғлиқ тилаймиш.

Али БУХАРБОВЕВ,

Кўнғирот тумани, Саранча тумани.

## Муштарий минбари

«Huquq» газетасининг 8 март 2007 йил сонида чоп этилган «Шаҳардаги йирткичлар» ноли мақолани ўқиган ҳар бир шахс долзарб масала ёрилганлигига ижрор бўлиши турган гап. Ҳақиқатан ҳам мақола муаллифининг фикрлари ўринли

## ЖАВОБГАРЛИКНИ ҲИС ЭТМАСЛИК ОҚИБАТИ

ва асослидир. Чунки кейинги йилларда Тошкент шаҳрида, айниқса кўп қаватли уйларда яшовчиларнинг хонадонда кучук ва мушук боқиши урфага айланиб бормоқда. Уй ҳайвонларини боқиш таъқиқланмаган, албатта. Лекин тартибга риоя қилинмаган ҳолда, итларнинг тасмасиз, қаровсиз ҳолда жамоат жойларига (айниқса, болалар майдон-

часига) қўйиб юборилиши бир томондан, аҳолининг ҳавфсизлигига таҳдид солса, иккинчи томондан, санитария-эпидемиология қоидаларининг бузилишига олиб келаяпти. Ҳўш, нима учун кейинги вақтларда бу қоидаларга тўла амал қилинмаяпти? Бу тўғридан-тўғри қонунчи менсимаслик эмасми? Эки белги-

монидан белгиланган қоидаларга қай даражада амал қилинаётганини назоратга олиб бориши лозим. Назаримизда, инспекторлар фақат тадбиркорлик субъектларининг санитария қоидаларига қандай амал қилаётганлигини назорат қилиш билан чекланиб қол-ляпти. Агар ит ва мушук боқувчи-

О. АЗИМОВ,

Навоий вилоят прокуратурининг биринчи ўринбосари



Баҳор бизга ўхшайди...

Бундан бир неча йил аввал мен Денов шаҳридаги «Бободехқон бозори» ОТАЖнинг 25 фоиз акцияларини сотиб олиб, мўмайгина дивиденд олар эканман, деб хурсанд бўлган-дим.

Айнан ўша йили жамиятимиз 11 млн. 186,5 минг сўм сўфда билан чиқди. Ҳар бир акцияга 816 сўмдан дивиденд тўланди. Мен 2056 та акцияга 1 млн. 677,7 минг сўм олдим. 2004 йил 28 июлдаги умумий йиғилишида ўз номзодимни бошқарув раислигига қўйиб, танловда ғолиб чиқдим ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бир йил муддатга меҳнат шартномасини туздим.

Бошқарув раиси бўлиб ишлаган давримда қўндалик тушулмар миқдори ва соф фойда

апрелда ўтказилган умумий йиғилишида жамият Кузатув кенгаши 5 кишидан иборат таркибга сайланиб, «ушбу кенгаш қарори билан Э.Алиев кузатув кенгаши раиси этиб сайланган. 2003 йилнинг 23 сентябрида у кенгаш таркибидан чиқарилган, ўрнига туман ҳокимининг икътимоий ва иқтисодий масалалар бўйича муовини З.Арипов сайланган», деб қайд этилган. Лекин аслида жамият акциядорларининг умумий йиғилишида Э.Алиевни кузатув кенгаши таркибидан чиқариш, З.Ариповни эса унинг аъзолигига сайлаш ҳақида ҳеч қандай қарор қабул қилинмаган. Суд қонунга зид ушбу ҳолатга умуман эътибор қаратмаган.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»

ши аъзоси Ж.Бойимбетова маълум сабабларга қўра қатнашмаган бўлса-да, суд «26.06.2005 ва 5.07.2005 йилги Кузатув кенгаши раиси ва 2 та аъзоси билан қонуний ўтказилиб, қарорлар қабул қилинган» дея хулоса чиқарди. Ваҳоланки, қўрида таъқиқланган қўнуннинг 85-моддаси ва жамият низомининг 10.5-банди талабига қўра Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун 75 фоиздан зиёд кворум бўлиши шарт. Лекин 2005 йилнинг июнь-июль ойларида ўтказилган мажлисларда кенгаш аъзоларидан фақат Р.Набиев ва С.Алимов қатнашган, холос. Бу эса жамият аъзоларнинг 40 фоизини ташкил этади.

Суд раиси эса Меҳнат кодексининг 105-моддасини қўллаг, бунинг қонуний деб топади ва

## Мададталаб мактуб

тартибда ОТАЖ ҳисобидан чиқарилмасдан туман ҳокимининг қарори билан Ж.Сатторовга савдо маркази қуриш учун ажратилган. Натига Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли қарори қоидаларига зид равишда деҳқон бозори ичида қурилган «Тожиқбозор» деб аталадиган хусусий тижорат бозори фаолияти йўлга қўйилди.

Бу каби талончиликлар тушумни кескин камайтириб юборди. Режа бажарилмай қоларган, З.Алмардонов «ўз аризасига биноан» лавозимидан озод қилиниб, бошқарув раиси 1-ўринбосари А.Кулматов раис вазифасини вақтинча бажарувчи этиб тайинланди. 2007 йилнинг январь-февраль ойларида

# ҲАҚИҚАТ УСТУНМИ ЁКИ МАНФААТ?

салкам икки баробарга, ҳар бир акцияга бериладиган дивиденд миқдори эса уч баробарга ортди. Меҳнат шартномаси шартлари бирор марта ҳам бузилмади.

ОТАЖ кузатув кенгаши билан ўзаро меҳнат шартномаси муддат 2005 йилнинг 28 июнида туғди. Унинг 2,2 бандида мазкур шартнома навабдатдаги йилга узайтирилиши ёки яна бир йилга янгидан тузилиши белгилаб қўйилган эди. Шу тўғрйли 29 июнь кун ОТАЖ кузатув кенгаши раиси З.Арипов, аъзолари С.Алимов ва Р.Набиевлар иштирокида мажлис ўтказилиб, жамият акциядорларининг навабдатдаги умумий йиғилишини 2005 йилнинг 11 июлда ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди. Лекин орадан 7 кун ўтган, кенгаш аъзолари яна мажлис ўтказишди. Унинг баённомасида қайд этилишича, ОТАЖ бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномаси амалдаги қонунчиликка асосан бекор қилинган.

Мен ушбу қарордан норози бўлиб, судга мурожаат қилдим. Фуқаролик ишлари бўйича Қўнғирот туманлараро суди судьяси Д.Тўраев 2005 йилнинг 19 декабрида даврони рад этди. Суд ҳал қилув қарорининг асословчи қисмида: «Бободехқон бозори» ОТАЖ нинг 2003 йил 10

ти Қўнуннинг 83-моддасига қўра, жамият кузатув кенгаши аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади. Республика Олий суди ва Олий Ҳўжалик суди қўшма Пленумининг 2005 йил 31 мартдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларини қўлланнинг айрим масалалари ҳақида»ги 02/124-сонли қарорининг 25-банди, 2-қисмида кўрсатилишича, «агар устав қўнунга мувофиқлаштирилмаган бўлса, у ҳолда унинг қўнунга зид бўлмаган қисми қўлланилади».

Қўриниб турибдики, жамият низомининг 10.5-қисмидаги кузатув кенгаши аъзолари 5 йил муддатга сайланиши ҳақидаги қоида эҳтиборда келтирилган қўнунга зид бўлганлиги тўғрйли қўлланилмаслиги лозим эди. Жамият акциядорларининг 2004 йил 28 мартдаги умумий ҳисобот йиғилишида Кузатув кенгаши қайта сайланмаганлиги учун акциядорларнинг умумий йиғилишини қачқариш, шунингдек жамият бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида қарорлар қабул қилишга ваколати бўлмаган. Бундан ташқари иккала йиғилишда ҳам кузатув кенга-

кодесининг 107-моддаси 1-қисми бўйича меҳнат шартномасини бекор қилишга «кузатув кенгаши раиси ваколатли ҳисобланади», дея хулоса чиқаради.

Ҳўш, унда акциядорлик жамиятлари фаолиятига оид қўнун мавжуд бўлгани ҳолда умумий йўналишдаги қўнунга мурожаат қилишдан мақсад нима? Борди-ю, шундай зарурат юзга келган тақдирда ҳам 2000 йилнинг 14 декабридан қўнунга кирган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги Қўнунда кўрсатилганидек, «Тенг юридик қўнунга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига тенг келмаган ҳолларда кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қоидалари амал қилади» деган қўнун қўлланилиши шарт эди. Агар шундай қўнунга жамият бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатини белгилаш беволати акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига кириши оилар ва оидин бўлиб қоларди.

Бундай ишонлардан фойдаланган ОТАЖ бошқаруви раиси З.Алмардонов йилига 5,5 млн. сўм фойда келтириб турган қасбобхонани «Бахриддин» фермер хўжалигига бор-йўли 10 млн. 800 сўмга сотиб юборди. Бозор ҳудудидаги 400 кв.м. ер майдони эса белгиланган

нақд пул тушуми режаси бажарилмай қолаверган, сўнг кузатув кенгаши қарори билан у ҳам лавозимдан бўшатилиб, унинг ўрнига Ф.Эргашев тайинланди.

Янги раис талон-тароқчиликларга чек қўйиб, нақд пул тушумини ва ишлар ахволини ўнглаётган бир пайтда туман ҳокимининг озғани қўрсатмаси билан ишдан четлатилиб, ўрнига бошқа шахс тайинланди, ناتихада қўнун тушум 60 мингга камайди. Денов туман ҳокими унқонқон ҳужжатларининг аҳамияти йўқми, деган савол туғилиши мумкин. Менимча, гап аҳамиятда эмас, уларнинг тушуниб етишида бўлса керак. Чунки, туман ҳокими А.Хўжақўловнинг вилоят ташкилоти раҳбарига ёзган хатига «...тумандаги «Бободехқон бозори» ОТАЖда ҳозирги кунда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202 сон фармони талаблари бажарилмай келмоқда». Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Президент фармонининг фарқига бормаган туман ҳокими А.Хўжақўловдан яна нима кутиш мумкин?

Ю.РАХИМОВ,

Денов шаҳар, Ш.Рашидов кўчаси, 237-«а» уй.  
Техриратидан: Газетаниннинг қўнунчилик билан йўллаган хатини мутасадди идоралар ўрганиб, қўнуний нўқта қўяди деб ўйлаймиш.

## Саховатни одамлар, бор бўлинг!

**Эътироф этиш керакки, ҳаётимизда содир бўлаётган ўзгаришларнинг амалий натижалари демократик жамият қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг муқаррар тус олаётганлигидан далолатдир. Қарши туманида Наврўз шодийналари «Ижтимоий химоя йили Давлат дастури»нинг бажарилишига оид тадбирларга уланиб кетди.**



Қўқламнинг дастлабки кунларида туман маркази Бешкентдаги марказий ўйингоҳга худуднинг турли қишлоқларида яшовчи кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар тақлиф қилинди. Хомиллар томонидан 82 бош қорамол, 50 бош майда мол ҳамда 1124990 сўмлик моддий ёрдам берилди. Бундай савоб ишга Зиёд Мажидов бошлиқ «Саховат-Зафар», Ш. Чориев раҳбарлигидаги «Пахлавон Шерзо», «Гулизо мома набираси» масъулияти чекланган жамиятлар ҳамда бир қатор фермер ҳужалиқлари муносиб улуш қўшдилар. Уларнинг ҳар бири кам таъминланган оилаларга 10 бошдан қорамол тарқатдилар.

Тадбирда Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев қатнашиб, ушбу саховат тадбирининг ташкилотчилари ва хомилларга миннатдорчилик билдирди.

— Маълумки, саховатли ҳар бир иш элнинг оғирини енгил қилади,— дейди туман аҳолини ижтимоий химоя қилиш ва иш билан таъминлаш бўлими бошлиғи Х.Болтаев. — Мана шу жиҳатдан олиб қараганда амалдаги йилнинг ижтимоий химоя йили деб эълон қилиниши ҳам мамлакатимизда инсонпарварлик гоилари улуғланаётганлигини яна бир қарра тасдиқлади. Туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ишлатиб чиқилган дастурга кўра, кам таъминланган оилаларга ҳар томонлама кўмак бериш мақсадида барча имкониятларни ишга соляемиз.

— Заррада кўёш акс этади, дейдилар, яъни озгина мурувват ва хайрли иш билан ўзагаларнинг мушкулчини осон этмок, ҳаж зиёрати билан баробар. Бугунги тадбирдан ҳамма хурсанд. Шундай пайтда, гапнинг рости ўзимнинг ҳам кўнглим тоғдек кўтарилди, жамоамиз билан саховатлар яхши кунларга бюорсин деймиз.

«Саховат-Зафар» масъулияти чекланган жамият раиси З.Мажидовнинг юқоридagi фикрларига Хонобод қишлоғида яшовчи фуқаро Э.Аҳмедов миннатдорчилик сўзларини билдирди.

— Конституцияимизнинг 13 йиллиги муносабати билан эълон қилинган амнистия қарорига асосан яқинда мuddатидан олдин қамок жаъзосидан озод этилган эдим. Озодликка чиққанидан сўнг ҳукуматимиз гaмхўрлигини, қолаверса, атрофимизда яхши одамлар кўллигини ҳис қилдим. Меҳр-оқибатнинг нақадар қудратли кучга эга эканлигига икор бўлдим. Туман кўнликма маркази бу борада менга катта ёрдам берди. Бу ердаги яхши инсонлар қишлоқ фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда мени иш билан таъминлашди, оиламга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиди.

— Қисматнинг ёзигини қарангки, икки набирам ота-онасиз қолишди. Уларни ўз қарамомига олдим. Имомни қомил, уларнинг ҳар томонлама қомил инсон бўлиб етишишлари учун барча имкониятлар бор. Набираларим моддий жиҳатдан тўлиқ химояланган, нафақаларни ўз вақтида олиб туримиз. Бугунги тадбирда ҳам набираларимга 60150 сўм ёрдам берилди. Саховатли одамлар кўп бўлсин, уларни Оллоҳнинг ўзи кўлласин,— дея шўроналик билдирди С.Раҳимов номли маҳаллада яшовчи бир онахон.

Юқоридagi фикрларга қўшимаслиқнинг иложи йўқ. Негаки, теварак-атрофимиздаги одамларнинг яшаш тарзида, хатти-ҳаракатлари ва гап-сўзларида улуг ниятларнинг амалдаги рўёби акс этиб турибди. Шундай кезларда беихтиёр, бор бўлинг яхшилар, бор бўлсин саховат дейишга ҳақлимиз.

Гулчехра ЖЎРАЕВА,  
журналист

Инсон ижтимоий тузилманинг энг куйи қатламида қолиб кетиб, мулкдан, ҳокимиятдан, жамиятдан батамом бегоналашган собиқ тоталитар жамиятда инсонга меҳнат резерви сифатидагина қаралар эди. Мустақиллик кўлга қиртилгандан сўнг инсон ислохотлар учун эмас, балки ислохотлар инсон учун хизмат қила бошлади. Маълумки, инсоннинг жамиятда ўз ўрнини топа олиши унинг жамиятга бўлган муносабати га боғлиқ. Шундагина инсон ўзини ўзи, мақсади-ю манфаатларини, атрофидаги яқинларини, маҳалла, кўча-кўйни, дўсту биродарларини, миллатини ва ниҳоят, жамиятни, унинг муаммоларини тўғри баҳолайди. Демак, жамият ва инсон муносабатларида инсон манфаатларини устувор даражада ҳисобга олиш шарт. Инсон омили асосида ижтимоий қафолат коидалари амалга оширилади.

XXI аср бошларида иқтисодий самардорлик жамият ривожининг мақсади га айланди. Ривожланган демократик мамлакатлар бунга асосан иқтисодиётнинг бозор тизими орқали эришмоқдалар. Аммо бозор тизими ўзининг стихиялиги туфайли адолат ва ижтимоий қафолат талаблари билан ҳамшиша ҳам ҳисоблашавермайди. Аслида эса бу талаблар инсон омилига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, иқтисодий юксалишга ҳам таъсир кўрсатиши табиий. Халқро экспортларнинг ҳисоблари га кўра, иқти-

содий самардорлиқнинг 60 фоизи инсон омили воситасида ва қолган 40 фоизи табиий капитал аталмиш эҳиралар, яъни ер ости бойликлари ва ҳоказолар эвазига таъминланар экан.

Ҳар бир шахс ўз қобилиятини намойен қила олиши учун тўлиқ имкониятлар яратиш, бунда уларнинг фаровон турмуш кечирिशларига эришиш айна мuddао. Кишиларнинг жамиятдан олаётган

## Инсон манфаати ҳимояси

улушлари (иш ҳақи, даромадлари, мукофотлари, унвону мансаблари) уларнинг жамият ривожига қўшаётган ҳиссаларига (меҳнати, қобилияти, заковати, алоҳида хизматлари, сармоysi ва ҳ.к.) мос келиши давлат идораларининг назорати га эҳи фақатгина бозор механизмнинг талаб ва тақлиф каби қонуниятлари га эмас, кўпроқ инсон омили имкониятлари га боғлиқ.

Албатта, инсон фақат нон билан тирик эмас. Инсоният тараққийоти ҳаёт даражасига эмас, ҳаёт сифати ҳаёт белгилайди. Ҳаёт сифати инсон яшайдиган, меҳнат қиладиган ва бўш вақтини ўтказадиган табиий-моддий соҳада

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ олиб борилаётган кенг кўламдаги ислохотлар таълим тизимини ҳам тубдан қайта қуриб чиқиб, уни жаҳон стандартлари га мослаштириши тақозо этди. Бу борада кадрлар тайёрлаш миллий Дастурининг қабул қилиниши мамлакат таълими учун муҳим аҳамият касб этди. Ушбу ҳужжат мустақил республика-мизда малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадини ўзида муҷассамлаштирган. Зеро, фуқароларнинг маълумоти даражаси демократик жамият қуришнинг муҳим омилиларидан саналади. Айниқса, аҳолисининг 65 фоизини ёшлар ташкил этадиган мамлакатимизда бу масала алоҳида эътибор талаб этади.

Таълим харажатлари сўнгги йилларда ялпи ички махсуллатга нисбатан 7-8 фоизни, давлат бюджети умумий харажатлари га нисбатан эса 25-29 фоизни ташкил этганининг ўзи ҳам мамлакатимизда таълим тизимини мoliлаштириш муҳим стратегик вази фа сифатида илгари сурилганидан далолат беради.

Мамлакатнинг келажақдаги мавқеини белгилаб берадиган авлодни тарбиялаш, ўқитиш, малакасини ошириб бориш ва ижтимоий химоялаш тараққийёт гаровидир. Маъжуд қонунчиликдан келиб чиқиб, ўтиш даври мураккабликлари шароитида аҳоли даромадларини ҳисобга олиш ва таълимга бўлган эҳтиёжларини қандириш ҳукумат томонидан ижтимоий химоянинг бир тури сифатида эътироф этиляпти. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам жинси, тили, ёши, ирқи, миллий мансублиги,

## ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА

этиқоди, ижтимоий келиб чиқилишидан қатъи назар, фуқароларнинг билим олишда тенг ҳуқуқларга эгалиги қафолатланади. Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг «Ижтимоий химоя йили» деб номланиши бу борада туб бурилишлар учун замин ярати бериши шубҳасиз.

Юртимиз халқ ҳўжалиги ва ҳуқуқ-тартибот органларини малакали юрист кадрлар билан таъминлашда муҳим ўрин тутиб келаётган Тошкент юридик коллежида ҳам бу борада бир қанча ишлар амалга ошириб келинмоқда. Коллеж маъмурияти томонидан «Ижтимоий муҳофаза йили» Дастури асосида ишлатиб чиқилган дастурга мувофиқ, ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган талабаларга моддий ёр-

дам кўрсатиш мунтазам йўлга қўйилган.

Таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар жараёни педагог кадрлар салоҳияти га эътиборнинг кучайишига олиб келди.

## ТАЪЛИМ ВА ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА

Шу маънода, коллежимизда фаолият юритиб келаётган педагог кадрларнинг билим ва малакасини мунтазам ошириб бориш ишлари йўлга қўйилган. Шунингдек, коллеж педагог-кадрларининг ижтимоий муҳофазаси ҳам доимий эътиборда. Кам таъминланган ҳодимларга моддий кўмак бериш, соҳага кўп йиллик меҳнати сингган устоз-мураббийларни рағбатлантириб бориш шўлар жўмласидандир.

Коллежимиз томонидан 199-маҳсус мактаб-интернат ҳомийликка олинган бўлиб, маъжуд ўқув муассасасида ҳам меҳр-мурувват тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Карима НУРМАТОВА,  
Тошкент юридик коллежи  
кадрлар бўлими инспектори

## СЕССИЯ МУҲОКАМАСИДА ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ


Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш, қонунлар ижросини таъминлаш, жинойятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида Жижзах вилоятида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Прокуратура органлари ҳокимликлар, ички ишлар идоралари ва жамоат ташкилотлари билан ишчил ҳамкорлиги йўлга қўйилган туфайли аҳолининг ҳуқуқий маданияти тобора кўтарилимоқда.

Яқинда Халқ депутатлари Жижзах вилоят кенгашининг тўққизинчи сессиясида Жижзах вилоят прокурори Пўллат Бобожоновнинг вилоятда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жинойятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида 2006 йилда амалга оширилган ишлар ҳақидаги маърузаси тингланди.

Маърузада айтилишича, прокуратура органлари томонидан ўтган йили қонунлар ижроси юзасидан жами 1836 та тегишли ишлар ўтказилиб, 18 миң 700 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. 8962 нафар мансабдор шахслар иптисомий, маъжурый ва моддий жавобгарликка тортилган. Судларга жами 8,8 млрд. сўмдан зиёд зарарни ундириш юзасидан даъво ариза-

лари киритилган. Умумий жинойятларнинг салмоғида мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш билан боғлиқ жинойятлар улуши сезиларли даражада ошган. Вилоятда жинойятчиликнинг кўпгина турлари қамайиб бораётганига қарамасдан айрим туманларда ичкилик-бозилқ, гийъандлик сингари иллатлар туфайли фуқаролар орасида жинойят қўл ураётганлар кўп учрамоқда. Бу эса ўз навбатида нафақат ҳуқуқ-тартибот органлари, балки ҳокимликлар, ўз-ўзини бошқариш идоралари, жамоат ташкилотлари зиммасига катта масъулият юклайди. Вилоят прокурори ўз маърузасида бу соҳадаги профилактик ишларда энг аввало аҳоли бандлиги билан боғлиқ муаммолар ечимини топиш, ишлар тарабиясини қучайтириш зарурлигини таъкидлади. Шунинг учун ҳам сессияда аҳолининг ижтимоий химояси, тадбиркорлар ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилишда раҳбар ҳодимларнинг масъулиятини ошириш, ҳар қандай қўриқчиларга қўриқчилликларига нисбатан жазонинг муқарраблигини таъминлаш масалалари га эътибор қаратилди.

Гулнора ҲАМРОЕВА,  
Жижзах вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи



дастур асосида қилинаётган ишлар ўзининг натижаларини бермок-да.

Инсон омили маълумот даражасига ҳам тўғридан-тўғри боғлиқ. Зеро, XXI аср бўсағасида инсоннинг

этиб бўлмайди.

Республикаимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиети га бошқича-бошқич ўтилиши муносабати билан аҳолини кучли ижтимоий химоялаш сибасати олиб боришмоқда. Бу таъмоийли янада тақомиллаштириш ва аниқ мақсадли йўналтирилишида дунёдаги тараққий этган давлатларнинг бу соҳадаги тажрибаларини ўрганиш, таҳлил этиш ва уларнинг ижобий ютуқларидан амалда фойдаланиш, баъзи элементларини халқимиз миллий қадриятлари га ва хусусиятлари га мос равишда татбиқ этиш масалалари Республикаимизнинг жаҳон ҳамжамияти га янада жаддалроқ кириб боришига (интеграцияси га) сабаб бўлади.

Президентимизнинг кам таъминланган оилаларни ижтимоий химоялаш қучайтириши га оид бир қатор фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини олиб қарайдиган бўлсақ, республикаимиз аҳолисининг ижтимоий турмуш даражасини яхшилашга давлат аҳамияти га молик вази фалар сифатида қаралаётганини кўраимиз. Хуллас, аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қисмини химоялаш орқали уларнинг ижтимоий ҳаёти яхшиланиб, меҳнатида ижобий ўзгаришлар рўй бера бошлайди. Эртанги кунга бўлган ишончи эса ортиб боради.

Анвар НОРБЕКОВ,  
социология фанлари номзоди



# ДиджаТВ

2007-yil 12-aprel, № 15 (536)

**Моҳият**  
Кўп тилли  
билиш — битта  
кулфга тушади-  
ган бир нечта  
калитга эга  
бўлиш деган  
гап.  
**ВОЛЬТЕР**

**16-aprel, Dushanba**  
07.00, 18.00 "Премьера" (узб)  
07.30, 10.40, 13.30, 16.30,  
18.30, 20.10 Узбек наволари  
08.00, 19.00 "Премьера" (рус)  
08.30 "Сайилгоҳ"  
08.45, 12.45, 15.45, 17.30,  
20.30 Мировые хиты  
09.00, 19.30 Сериал "Дети Ваню-  
хина"  
10.00 "Сунмас орузлар"  
11.00 Х/ф "Ультрафиолет"  
15.00 Телениня  
22.00 Комедия  
"Дом большой мамочки"  
23.45 Миксер

**17-aprel, Seshanba**  
07.00, 13.30, 18.00 Марказ NEWS  
(узб.)  
07.10, 10.30, 13.40, 16.30,  
17.45, 18.10, 20.10, 21.30 Узбек  
наволари  
08.00, 14.30, 19.00 Марказ NEWS  
(рус.)

**16-aprel, Dushanba**  
12.00, 14.00 Клип минутка  
12.20 Ералаш  
12.40, 16.10 Мультфильм  
14.20 Х/ф «Как стать прин-  
цессой»  
16.30, 18.55, 21.50 Музы-  
кальная дорожка  
17.10 Х/ф «На руинах до-  
машнего очага»  
18.55 Музыкальная дорожка  
19.35 Х/ф «Крепкий орешек»  
22.30 Х/ф «Стигмата»

**UZBEKISTON**  
5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.45 «Тахлилнома»  
8.45, 9.45 ТВ анонс.  
8.50 Олин мерос.  
8.55 «Олам ва одам» дастури: «Шолен»,  
«Болалар сайраси»  
9.50 «Вук». Мультфильм.  
10.55, 13.55 Дунё иқлими.  
11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».  
11.10, 12.40, 14.15, 17.10, 17.55,  
19.10, 20.00 ТВ анонс.  
11.15, 12.45 Спектакл «Қаллик ўйин» 1-  
2 қисм.  
13.40, 17.15 Олин мерос.  
14.20 «Кутюто командасининг сув ости  
саргузаштлари».  
15.10 «Ҳаёт манзаралари».  
15.20 «Ватанпарвар».  
16.20 «Одами эрсанг»  
«Болалар сайраси»  
16.40 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».  
17.25 «Юртим буйлаб» дастури: «Олин  
водий усталари».  
18.00 «Оҳангар оғушида».  
18.10 Т/с «Ошин»  
19.15 «Молия ва банк хабарлари».

**10.45** «Ералаш».  
11.00, 14.00 Новости.  
11.20 «Лолита. Без комплексов».  
12.20 «Детективы».  
13.00 Другие новости.  
13.30 «Контрольная закупка».  
14.20 «Криминальная Россия».  
«Великое противостояние», 2 с.  
15.00 Т/с «Любовь как любовь».  
16.00 «Федеральный судья».  
17.00 Вечерние новости.  
17.20 Т/с «Чужие тайны».  
18.10 «Жди меня».  
19.00 Т/с «Татьянин день».  
20.00 «Время».  
20.30 Т/с «Александровский сад».  
22.10 Ночные новости.  
22.30 «Теория невероятности». «На  
роду написано».  
23.20 «Гении и злодеи».  
23.50 «Лошадина энциклопедия».  
00.30 Комедия «Мой криминаль-  
ный дядюшка».  
02.00 Новости.  
02.05 Триллер «Рой».

**РОССИЯ**  
10.50 Т/с «Горныч и Викторис».  
12.40 «Вести. Дежурная часть».

08.10, 13.20, 14.40, 15.45 Ми-  
ровые хиты  
09.00 Сериал "Дети Ванюхина"  
10.00 "Премьера" (узб.)  
11.00 Х/ф "Дом большой мамоч-  
ки"  
15.00 Телениня  
17.00 "Топ-20"  
19.10 Сериал "Нечаянная радость"  
1-серия  
21.00 "Великолепная семёрка"  
22.00 Х/ф "Час расплаты"  
00.15 Миксер

**18-aprel, Chorshanba**  
07.00, 13.30, 18.00 Марказ NEWS  
(узб.)  
07.10, 08.30, 10.40, 14.10,  
16.15, 18.10, 20.10, 21.30 Узбек  
наволари  
07.30 "Премьера" (рус)  
08.00, 14.30, 19.00 Марказ NEWS  
(рус)  
08.10, 13.15, 14.40, 15.45,  
17.45 Мировые хиты  
09.00 Сериал "Нечаянная радость"

**17-aprel, Seshanba**  
12.00, 14.10 Клип минутка  
12.20 Ералаш  
12.40, 15.50 Мультфильм  
14.30 Сказка «Сказка о по-  
терянном времени»  
16.10, 21.00 Музыкальная  
дорожка  
16.50 Х/ф «Эйс Вентура»  
18.20 Музыкальная дорож-  
ка  
19:00 Х/ф «11 друзей Оуше-  
на»  
21.40 Х/ф «Игрок»

19.20, 20.50 Дунё иқлими.  
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.05 «ТВ шифокор»  
20.10 Сериал «Ойла ришталари»  
21.35 ТВ анонс.  
21.40 «Янги оҳанглар»  
22.00 Сериал «Икки тақдир»  
22.45 «Кўшимчаси, муҳаббат» (SMS.  
Овоз берил)  
23.00 Миллий сериал: «Алишер Навоий».  
1-қисм.  
23.35 «Икки дарё оралигида»  
23.55-00.20 Тунги наволар.  
«Uzbekistan»  
00.20, 04.30 ТВ анонс.  
00.25, 04.55 «Ҳаёт манзаралари»  
00.35 «Одами эрсанг»  
00.55, 03.55 Дунё иқлими.  
01.00 «Ахборот» (рус)  
01.30, 03.40 Олин мерос.  
01.40 «Ватанпарвар»  
02.40 «Эртақлар - яхшиликка етаклар»  
03.00 «Чемпион сирлари»  
03.20 «Бир ўлка-ни»  
04.00 «Ахборот»  
04.35 «Икки дарё оралигида»  
05.05 Миллий сериал: «Алишер Навоий».  
1-қисм.  
05.35-5.55 Тонги наволар.

**13.00, 16.00, 19.00** «Вести».  
13.20, 19.45 «Местное время»:  
Вести - Москва».  
13.40 «Суд идет».  
15.00 «Кулагин и партнеры».  
15.40 «Местное время. Вести -  
Московская обл.»  
16.10 Т/с «Каменская».  
17.05 Т/с «Танго втроём».  
18.00 Т/с «Ангел-хранитель».  
20.05 «Спокойной ночи, малы-  
ши!»  
20.15 Т/с «Катерина».  
22.10 «Городок».  
23.15 «Вести 2+».  
23.35 «Золотая маска».  
01.30 «Синемания».  
02.05 «Дорожный патруль».  
02.15 Х/ф «Арифметика любви».  
03.40 «Вести. Дежурная часть».

**НТВ**  
05.00 «Сегодня утром».  
08.05 «Следствие вели...»  
09.00, 12.00, 15.00, 18.00,  
21.00 «Сегодня»  
09.20 «Чрезвычайное происше-  
ствие. Обзор за неделю».  
09.55 «Кулиарный поединок».  
11.00 «Квартирный вопрос».  
12.40 Т/с «Адвокат».  
14.30, 17.30, 20.45 «Чрезвычай-  
ное происшествие. Обзор».

**TV МАРКАЗ канали ҳафталик дастури**  
1-серия  
10.00 "Набат" Рашид Холиков  
билан  
11.00 Х/ф "Час расплаты"  
13.40 "Юлдузли пайшанба"  
15.00 Телениня  
19.10 Сериал "Нечаянная радость"  
2-серия  
21.00 "Миссия неповторима"  
22.00 Киноколлекция: "Игра"  
00.10 Миксер

**19-aprel, Payshanba**  
07.00, 13.30, 18.00 Марказ NEWS  
(узб.)  
07.10, 08.10, 10.00, 13.40,  
16.00, 18.10, 21.30 Узбек наво-  
лари  
08.00, 14.30, 19.00 Марказ NEWS  
(рус)  
09.00 Сериал "Нечаянная радость"  
2-серия  
11.00 Х/ф "Игра"

**КАМАЛАК канали ҳафталик дастури**  
12.00, 14.10 Клип минутка  
12.20 Ералаш  
12.40, 15.50 Мультфильм  
14.30 Сказка «Сказка о по-  
терянном времени»  
16.10, 21.00 Музыкальная  
дорожка  
16.50 Х/ф «Эйс Вентура»  
18.20 Музыкальная дорож-  
ка  
19:00 Х/ф «11 друзей Оуше-  
на»  
21.40 Х/ф «Игрок»

**16-APRIL Dushanba**  
15.55 Дастурнинг очилиши.  
16.00 «Давр».  
16.15 «Мафтунок ва бетакрор!»  
16.20 «Келажак гаройботлари».  
17.10, 17.55 «Кино-SMS».  
17.15 «Journal»  
17.35 «Маргилон - 2000 ёшда!»  
17.40 «Панжон»  
18.00 «Мўъжизавий дунё» маърифий  
дастури.  
18.25 «UzEx хабарлари» (рус ва инг)  
18.35 «Ғазал мулки»  
18.55, 21.55 «Йқлим»  
19.00, 22.00 «ДАВР»  
19.30 «Омон бўлинг!»  
19.35 «Ёмигир симфонияси» Сериал.  
20.10 «UzEx хабарлари»  
20.15 «Давр мавзуси»  
20.30 «Қўқлам наволари».

**13.10, 14.40, 15.45, 17.30,**  
20.10 Мировые хиты  
15.00 Телениня  
17.00 "Великолепная семёрка"  
19.10 Сериал "Нечаянная радость"  
3-серия  
20.30 "Премьера" (узб)  
21.00 "Юлдузли пайшанба"  
22.00 Б/ф "Дунёлар жанги"  
00.00 Миксер

**ТВ**  
07.00 Победоносный голос.  
07.30 М/с «Люди Икс».  
08.00 М/с «Приключения Марко и  
Джинны».  
08.30, 14.30 М/с «Арвай».  
09.00 М/ф.  
09.30 Деньги утром.  
10.00 Х/ф «Плану вперед» (Рос-  
сия).  
12.00 Х/ф «Цыганка». (Великоб-  
ритания).  
14.00 М/с «Новые приключения  
Лесси».  
15.00 Х/ф «Четвертое желание».  
(Россия).  
18.15 М/ф «Спасатели в Австра-  
лии». (США).

13.00, 14.40, 17.30 Мировые  
хиты  
15.00 Телениня  
17.00 "Миссия неповторима"  
19.10 Сериал "Нечаянная радость"  
4-серия  
20.10 "Сунмас орузлар"  
21.00 "Премьера" (рус.)  
22.00 Х/ф "Змеиный полет"  
00.00 Миксер

**21-aprel, Shanba**  
07.00, 18.00 Марказ NEWS (узб)  
07.10, 09.00, 10.00, 13.00,  
17.00, 18.10, 21.40 Узбек наво-  
лари  
08.00, 19.00 Марказ NEWS (рус)  
08.10, 14.30, 16.20 Мировые  
хиты  
09.30 Д/ф «ЯЛЛА»  
11.00 Х/ф «Змеиный полет»  
14.00 "Премьера" (узб)  
15.00 Телениня  
18.30 "Алло-Марказ"  
19.10 Концерт  
21.00 "Набат" Рашид Холиков

**21-aprel, Shanba**  
10.00, 12.00 Клип минутка  
10.20 Ералаш  
10.40, 12.20 Мультфильм  
12.00 Клип минутка  
13.55, 16.10 Рейтинговый  
фильм  
17.40, 22.15 Музыкальная  
дорожка  
18.20 Х/ф «Ноль»  
19.50 Музыкальная дорожка  
20.30 Х/ф «Кукушка»  
22.55 Х/ф «Разведка 2020»

**TOSHKENT**  
17.50 Кўрсатувлар тартиби.  
17.55 М/ф «Шумтақалар»  
18.05, 21.50 «Телекурьер - маркет»  
18.25, 18.45, 20.15, 21.25, 21.45,  
22.45 «Анонс»  
18.30, 21.30 «Пойтахт».  
18.50 Т/с «Гадалупе»  
19.30 «Музыка SMS»  
19.50 «Саломат бўлинг»/рус/.  
20.00, 22.30 «Пойтахт» /рус/.  
20.20 «Автоголы и приколы» 1 - қисм.  
20.50 «Интервью»/рус/.  
21.00 «Жозоба»  
22.10 «Аёл қалби»  
22.25 «Эспайсизми, адингиздами?»  
22.50 Кино: «Знакомьтесь, Жо Блек».  
1-қисм.  
00.15-00.20 Хайрли тун, шахрим.

19.30 Киномания.  
20.00 Х/ф «Хозяин тайги». (Рос-  
сия).  
22.00 Х/ф «Девять яров». (США).  
00.00 Т/с «Собирайте душ», 27 с.  
01.00 Х/ф «Вчера». (Корея).

билан  
22.00 Индийское кино "В поисках  
брата"

**22-aprel, Yakshanba**  
07.00, 18.00 Марказ NEWS (узб)  
07.10, 14.00, 16.20, 17.00,  
18.10, 19.30, 20.30 Узбек наво-  
лари  
08.00, 19.00 Марказ NEWS (рус)  
08.10 Концерт  
09.50, 10.40, 19.10, 21.45 Ми-  
ровые хиты  
10.00 "Сунмас орузлар"  
11.00 Индийское кино "В поис-  
ках брата"  
15.00 Телениня  
16.30 "Премьера" (рус)  
17.30 "Юлдузли пайшанба"  
20.00 "Алло-Марказ"  
21.00 "Топ-20"  
22.00 Х/ф "Твои, мои, наши"  
23.40 Миксер

**22-aprel, Yakshanba**  
10.00, 15.55 Клип минутка  
10.20 Ералаш  
10.40, 12.30 М/ф  
12.10 Клип минутка  
13.55, 16.05 Рейтинговый  
фильм  
17.40, 20.00, 22.10 Музы-  
кальная дорожка  
18.20 Х/ф «Две недели»  
20.00 Музыкальная дорожка  
20.40 Х/ф «Замена 3»  
22.50 Видеобита:  
1. 12 друзей Оушена  
2. Заложник  
3. Престиж

**SPORT**  
7.00 «Бодрое утро».  
8.05 ПроФРИНГ.  
9.00 «Талкин».  
9.30 «Перевёртыши». Сериал.  
9.55 «Версия»  
10.25 «Детективы»  
10.55, 20.40 Кураш. Ат -Термизий хоти-  
расига бамишланган  
халқаро турнир.  
11.35 -12.05 Акробатика. Финал Кубка  
мира.  
16.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.  
«Локомотив» - «Нефчи». Тўғридан-тўғри  
олиб кўрсатилади. Танаффусда «Тет-а-  
тет»  
18.20, 20.20 «Мусликий тайм».  
18.30 «Хабарлар» (рус)  
18.50 «Спортимиз мусикалари».  
19.10 «Жди меня».  
20.00 «Вести»  
21.30 «Хабарлар» (узб)  
21.50 Футбол шархи.  
22.10 Приключенческий экран: «Китай-  
ская одиссея-2002»  
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

07.00 М/с «Самурай Икс».  
07.45 М/ф «Как лечить удава».  
07.55, 15.00 М/с «Смешарики».  
08.00, 15.05 М/с «Приключения  
Вуди и его друзей»  
08.30, 10.30, 18.00 Т/с «Моя  
прекрасная няня»  
09.00, 21.00 Т/с «Кадетство»  
10.00, 20.30, 01.00 Истории в  
деталах.  
11.00 Т/с «Кто в доме хозяин?»  
11.30 Т/с «Зена - королева вои-  
нов»  
12.30 Т/с «Комиссар Рекс»  
07.55, 15.00 М/с «Смешарики»  
14.30 М/с «Книбер-9»  
15.30 М/с «Путешествие к центру  
Земли»  
16.00 М/с «Гаджет и гаджетини»  
16.30 М/с «Том и Джерри»  
17.00 Т/с «Сабрина - маленькая  
ведьма»  
17.30 Галлею.  
19.00 Т/с «О.С. - одинокие сердца»  
20.00 Т/с «Сваха»  
22.00 Х/ф «Хроники Риддика»  
22.00 Т/с «Анатомия страсти»  
01.30 Д/ф «Не ходите туда. Авст-  
ралия»  
02.25 Т/с «Непредсказуемая Сью-  
зан»  
02.50 Т/с «Тесная компания»  
03.10 Т/с «Мертвая зона» «Стивена  
Кинга»  
04.35 Т/с «Госпиталь «Королев-  
ство»  
06.00 Музыка на СТС.





ШАФАТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

Нигуно

ЎЗБЕКИСТОН

- 5.55 Курсатулар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35, 9.15, 11.10, 12.10, 13.00 ТВ анонс...

- 18.10 Т/с «Ошиш»
19.10 «Сизнинг адвокатингиз»
19.15 «Молия ва банк хабарлари»
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР...

19-APREL Payshanba

- 9.00, 13.15 «Давринг боласи»
9.15 «Болалар табақасуми»
9.20, 19.30 «Оймон бўлинг!»
9.25, 19.35 «Ёмғир симфонияси»...

- ландаи: «Муруват».
18.35 «Газал мулки»
18.30, 22.00 «ДАВР»
20.10 «Тасвир ва таассурот»...

- сита мулюкот.
22.10 «Келажакка интиблик»
22.25 «Эслайсизми, егингиздами?»
22.50 Кино: «Престиж». 2-қисм...

SPORT

- 7.00 «Бодрое утро»
8.05 «Малахов +»
9.20, 18.30 «Хабарлар» (рус)
9.25 «Перевъртници». Сериал...

TOSHKENT

- 7.25 Курсатулар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30, 9.50, 10.55, 18.25, 18.45, 20.15,
21.25, 21.45, 22.45 «Анонс»...

ROSSIA

- 04.00, 08.00, 11.00, 14.00 Но-
вости.
04.05 «Доброе утро!»
08.20 «Малахов +»
09.20 Т/с «Агент национальной бе-
зопасности»...

- 04.00 «Доброе утро, Россия!»
07.45 «Серебряный шар»
Дмитрий Певцов».
08.45, 12.40 «Вести. Дежурная
часть»...

- 08.05 «Наше все!»
09.00, 12.00, 15.00, 18.00,
21.00 «Сегодня»
09.25 «Главная дорога»
10.00 «Две правды»...

- 10.30 М/с «Эй, Арнольд!»
11.00 М/с «Губка Бу Квадратные
штаны»
11.30 М/с «Катопес»
12.00 М/с «Дикая семьяка Торн-
берри»...

- 19.30 Кинограмма.
20.00 Х/ф «Лицом к стене»
22.00 Х/ф «Американский вудда 2»
00.00 Т/с «Собиратель душ», 30 с.
01.00 Х/ф «Белые пески». (США)...

ЎЗБЕКИСТОН

- 5.55 Курсатулар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35, 11.00, 14.00, 17.00 «Ахборот»
8.35, 11.10, 13.00, 14.15, 16.20 ТВ анонс...

- лар».
2. «Бахтли болалик кўшиқлари»
17.10, 18.00, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
17.25 «Хабарлар»
Ил - Иқтисомий химия йили.
«Саломатлик» дастури...

20-APREL Juma

- 6.55 Дастуригиз очилиши.
9.00 «Янги кун».
9.15 «Болалар табақасуми»
9.20, 19.30 «Оймон бўлинг!»
9.25, 19.35 «Ёмғир симфонияси»...

- 16.40 «Самарканд - 2750 внда!»
16.45 «Колунг икроси»
16.55 «Кино-SMS»
Телемусобақа.
17.00 «Мўйқалам сеҳри»
17.30 «Кўшқулук». Хажвий дастур...

- 17.50 Курсатулар тартиби.
17.55 «Африка /рус/.»
18.30, 21.30 «Ҳойтахт».
19.50 «Саломат бўлинг»
20.00, 22.30 «Ҳойтахт» /рус/.
20.20 «Автоголи и приколы» 4-қисм...

SPORT

- 7.00 «Бодрое утро»
8.05 «Малахов +»
9.05 «Хабарлар» (рус)
9.25 «Перевъртници». Сериал...

TOSHKENT

- 7.25 Курсатулар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30, 9.50, 10.40, 18.25, 18.45, 20.15,
21.25, 21.45, 22.45 «Анонс»...

ROSSIA

- 04.00, 08.00, 11.00, 14.00 Но-
вости.
04.05 «Доброе утро!»
08.20 «Малахов +»
09.20 Т/с «Агент национальной бе-
зопасности»...

- 09.00 «Частная жизнь»
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «Ве-
сти»
10.30, 13.20, 19.45 «Местное
время. Вести - Москва»...

- 04.45 Т/с «Любовь и тайны Сансет
Бич», 239 с.
05.30, 12.30, 18.00 Такси.
05.55 «Глобальные новости»
06.00, 18.30 Москва: инструкция
по применению...

- 07.00 Победоносный голос.
07.30 М/с «Люди Икс».
08.00 М/с «Спасатели в Австра-
лии»
09.00 М/ф
09.30 Деньги утром...

- 07.00 М/с «Самурай Икс».
07.45 М/ф «В адрут получится?»
07.55, 15.00 М/с «Смышлярик»
08.00, 15.05 М/с «Приключения
Вуди и его друзей»...





### Татимаган таътил

*Меҳнат таътили даврида соғлиғим ёмонлашиб, касалхонага ётишга тўғри келди. Касалхонада икки ой ётганим учун меҳнат таътилидан уч кунгина фойдаландим, холос. Касал сабаб таътилим қуйиб кетиши мумкинми?*

**Ф.ШАРОПОВ,**  
Тошкент тумани

Меҳнат кодексининг 145-моддаси талабига кўра, меҳнат таътилидан фойдаланишга тўқтинлик қилувчи ҳолатлар тўғрисида иш берувчини хабардор этиш лозим. Бунда фойдаланилмаган таътил кунлари фойдаланишга тўқтинлик қилган кунлар сонига узайтирилиши ёки иш берувчи билан ўзаро келишувга кўра таътилни фойдаланилмаган қисми бошқа муддатга кўчирилиши мумкин.

### Хавфсизлик камари

*Бундан бир неча йил олдин автомобил бошқаришда белгиланган камардан фойдаланиш тартиби бекор қилинган эди. Лекин эшитишимча, яқинда бу қоида яна амалга киритилди. Шу тўғрисида?*

**Н.ШОКИРОВ,**  
Қўқон шаҳри

Ўқурулар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг оғир оқибатларини бартараф этиш мақсадида конструкциясида хавфсизлик камари назарда тутилган транспорт воситалари ҳаракатланиб бораётганда ҳайдовчи ва йўловчилар томонидан хавфсизлик камаридан мажбурий фойдаланиши жорий этиш тўғрисида 2007 йилнинг 6 мартда Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Мазкур талаб жорий йилнинг 1

июлидан эътиборан қучга киради. Унга кўра, бундай камарни тақмасликка қўйидаги ҳолатларда рухсат этилади: орқа ўриндикдаги 12 ёшга бўлган болаларга; транспорт воситасини ҳайдовчиликка ўқибётган ўқувчи бошқараётганда бошқаришни ўргатаётган шахсга; ҳомилидор аёллар, саломатлиги хавфсизлик камари тақиш имконини бермайдиган бемор йўловчиларга; орқага ҳаракатни амалга ошираётган ҳайдовчиларга; аҳоли пунктларида ҳаракатланишда - йўналиш тақсилари ҳайдовчилари, таксининг орқа ўриндиқдаги йўловчиларга; аҳоли пунктларида - тақши қисмига тегишли рангли график схемалар чизилган махсус транспорт воситалари ҳайдовчиларига.

### Мулк ғалваси

*1993 йили ўн икки нафар ўртоқлар биларшиб, ҳар ким имкон даражасидаги улуши асосида корхона ташкил этган эдик.*

*Орадан йиллар ўтиб кимнингдир улуши ортиб, яна кимдир эса ўз улушини олиб чиқиб кетди. Ана шу хиссалар асосида шаклланган мулкни бошқариш учун бундан икки йил аввал тайинлаган раҳбаримиз ундан ўз билганича фойдаланишни одат қилмоқда. Бу аста-секин авж ола бошлаб, меҳарадан чиқмасликни талаб қилдик. Лекин у кўпроқ ҳисса қўшганлигини рўқаб қилмоқда. Шундай бўлган тақдирда ҳам у мулклардан истасанча фойдаланишга ҳақлими?*

**Х.ШАРОПОВ,**  
Тошкент шаҳри

Ўқурулик кодексининг 218-219-моддаси талабига кўра, улушли мулкдаги мол-мулк унинг бarchа иштирокчиларининг келишуви билан тасарруф этилади.

Улушли мол-мулкдаги мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш унинг бarchа иштирокчилари келишувига мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса суд томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади. Сиз улушнинг қўшилган қўшилган умумий мулкнинг иштирокчиси улушига тенг бўлган қисмини қайтаришни, агар бунинг иложи бўлмаса, ўз улуши бўлган мулкка эгалик қилаётган ва фойдаланаётган бошқа иштирокчилардан тегишли ҳақ талаб қилиш ҳуқуқига эгасиз.

### Қарор қонундан ўстунми?

*Ижарага олинган ва ижара шартномаси мавжуд бўлган боғ тумани ҳокимининг қарори билан олиб қўйилиши ёки ижара шартномаси бекор қилиниши мумкинми?*

**Р.САТТОРОВ,**  
Фарғона тумани

Туман ҳокимининг ижара шартномасини бир тарафлама бекор қилиш ҳақидаги қарори қонуний кучга эга эмас. Чунки, ер участкасини ижарага бериш шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш шартнома тарафларининг келишувига асосан, бундай келишувга эришилмаган тақдирда туман ҳокимининг ер ижара шартномасини бекор қилиш бўйича даъво аризасига мувофиқ, суднинг ҳал қилув қарори билан амалга оширилади. Бундай даъво аризасини киритиш учун ерни ижара олувчи ҳамда туман қишлоқ ва сув ҳўжаллиги бўлими, шунингдек бошқа тегишли ташкилотлар вакиллари

иштирокида тузилган далолатнома асос бўлади. Бундай далолатномада куйдаги талаблардан бири мавжуд бўлиши керак: — ерлан мақсадсиз фойдаланиш учун боғ бузиб ташланганлиги; — эскирган майдонларда янги боғ ташкил этилмаганлиги; — қулай табиий иқлим шароити мавжуд бўлишига қарамадан ижарага олувчининг айби билан боғнинг ҳодисдорлик даражаси уч йил мобайнида белгиланган нормативдан (кадастр баҳосига кўра) пасайтириб юборилганлиги; — боғ олинган пайтдан бошлаб бир йил ичида фойдаланилмаганлиги.

### Бедарак йўқолганлар никоҳи

*Бундан бир неча йил олдин ён қўшимизнинг турмуш ўртоғи Россияга ишлагани келиб қайтиб келмади. Хаётига тушган хотин эрини топиш учун ИИБга мурожаат қилди. Бир неча даъватларга ҳам қидирув берилди. Аммо натижа чиқмади. Шундан сўнг суд уни бедарак йўқолган деб топиб, эр-хотин ўртасидаги никоҳни бекор қилди. Лекин яқинда, ўн етти йилдан сўнг бедарак йўқолган эр қайтиб келди. Бундай ҳолатда уларнинг аввали никоҳи тикланадими?*

**М.АЛИМОВ,**  
Ўртачирчиқ тумани

Агар хотин бунгача бўлган вақт ичида янги никоҳга кирган бўлса, никоҳни тиклаш мумкин эмас. Эски никоҳни тиклаш фақат кейинги никоҳ бекор қилингандан кейингина бўлиши мумкин. Агар хотин никоҳда бўлма-

са, никоҳни тиклаш учун аввал шахсни бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги суд қарори бекор қилиниши лозим. Ана шундан кейингина эр-хотиннинг биргаликдаги аризасига кўра, уларнинг никоҳлари ФХДЭ органи томонидан тикланиши мумкин.

### Қаерга бораёй?

*Буюм бозорларида қандай турдаги товарлар билан савдо-сотиқ қилишга рухсат бор? Якка тартибдаги тадбиркор сифатида буюм бозорларида савдо қилиш учун қимга мурожаат этиш керак?*

**В.МУРОДОВА,**  
Сирдарё тумани

Якка тартибдаги тадбиркор сифатида буюм бозорларида чакана савдони фақат қуйидагилар бўйича амалга ошириш мумкин: — илгари фойдаланилган товарлар; — якка тартибдаги тадбиркорларнинг бевоқифа ўзлари томонидан келтирилган импорт товарлар; — ўзингиз тайёрлаган (сотилиши тақиқланмаган) товарлар; — бундай товарларни ишлаб чиқарган бошқа якка тартибдаги тадбиркорлардан сотиб олинган товарлар; — Ватанимиз товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар уларнинг қонуний тарзда сотиб олинганлигини тасдиқловчи бarchа ҳужжатлар мавжуд бўлганда ҳамда улар назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун савдо шахобчалари орқали сотилганда. Буюм бозорларида якка тартибдаги тадбиркор сифатида чакана савдони амалга оширишга рухсат гувоҳномаси олиш учун буюм бозори жойлашган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш керак: — якка тартибдаги тадбиркор чакана савдода сотишни мўлжаллаётган товарлар гуруҳлари кўрсатилган ариза; — юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчининг жисмоний шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси; — буюм бозори маълумиятидан якка тартибдаги тадбиркорга савдо жойи берилганлиги тўғрисидаги маълумотнома; Рухсат гувоҳномасида ушбу гувоҳнома билан чакана савдога рухсат берилган товарлар гуруҳлари мажбурий тартибда кўрсатилган бўлиши керак.

### Бино керакми?

*Менинг ўзимга қарашли бўлган дўконим бор. Бу дўконда тўрт йилдан бери турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш билан шуғулланиб келардим. Аммо энди ишни алкогольли маҳсулотлар сотишга йўналтиришмоқчиман. Бунинг учун менинг дўконим туғна жавоб берадими ёки бирор бир қўшимча қано қуришим керакми?*

*Қолаверса, шу йилнинг 16 март кун Республика Президентининг “Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиши янада тартибга солиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Унга кўра, бундай маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш қондаларини бузган юридик шахсларга алкогольли маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваридан 300 бараваригача миқдорда жарима солиниди дейилган. Шу тўғрисида ҳам маълумот берсангиз.*

**Д.ЖУМАОБОВ,**  
Кўргантопа тумани

Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлсангиз, бундай фаолият қоритиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун Республика Президентининг сиз тилга олган қарори билан тасдиқланган Низомга кўра, қуйидаги талаблар бажарилиши лозим: — рухсат гувоҳномасини олиш учун ариза берилган пайтда шахарларда — энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100 баравари, қишлоқ ҳамда чекка тоғли туманларда энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорига шаклланган устав фонди мавжуд бўлиши; — шахарларда — алоҳида қилинган ва камида 25 квадрат метрли, қишлоқ жойларида камида 15 квадрат метрли савдо зали майдони (фақат алкогольли маҳсулотлар билан савдо қилишга мўлжалланган), чекка тоғли туманларда — алоҳида савдо секцияси бўлган, алкогольли маҳсулотларни сақлаш ва сотишнинг санитария норма ва қоидаларига (шу жумладан назорат-касса машиналарини

қўллаш шартларига, моддий бойликлар тўла даражада сақлашни таъминланганига) мувофиқ бўлган омбор бинолари ва асбоб-ўқуналари бўлган ўзини ижарага олинган турғун савдо шахобчаси мавжудлиги; — савдо шахобчаси ўқув ва диний муассасалардан камида 500 метр узоқликда жойлашган бўлиши; — савдо шахобчалари жамоат транспорти тўхташ жойларида, жамоат ва дам олиш жойларида, даволаш-профилактика ва спорт-соғломлаштириш муассасалари ҳудудида, ушбу муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ошхоналарида, шунингдек аэропортлар, темир йўл вокзаллари ва автостанцияларга туташиб кетган жойларда жойлашмаган бўлиши; — юридик шахс томонидан алкогольли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш учун махсус фойдаланилаётган, химояланган фискал хотирали назорат-касса машинаси мавжуд бўлиши. Агар бундай мақсадда фойдаланиладиган турғун савдо ша-

хобчаси ижарага олинган бўлса, унда бу шахобчанинг ижара шартномасидан ташқари, унинг ижарага олувчига тегишлилигини тасдиқлайдиган ҳуқуқнинг ижарага олинган ҳужжатини нусхаси ҳам тақдим этилади. Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишнинг белгиланган қондаларини бузганлик учун жазо масаласига келадиган бўлса, давлат солиқ хизмати органларининг тақдирномаси бўйича бундай рухсатнома берувчи Комиссия томонидан рухсат гувоҳномасининг амал қилиш муддати 10 кундан ортқ бўлмаган муддатга тўхтатиб турилиши, бундай қоидабузарлик мунтазам ёки бир марта қўпол равишда бузилганда рухсат гувоҳномасининг амал қилиши суд тартибда бекор қилиниши мумкин. Шу билан бирга бундай қоидабузарлик учун бу фаолият билан шуғулланаётган юридик шахсларга сиз айтган миқдорда, жарима солиниб, ушбу юридик шахснинг тегишли ҳолимлари белгиланган тартибда маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади.

Хурматли муштарийлар! Ўзларингизни қизиқтирган, ҳақ-ҳуқуқларингизни тиклашда муаммо бўлиб турган саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Саволларингизни нафақат тақ орқали, балки «Ҳуқуқ» газетасининг «huquq97@mail.ru» электрон почтаси орқали ҳам юборишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефон: 133-26-62





Москва шаҳар суди Останкино тумани судининг «Инсон ҳуқуқлари учун» ҳаракатининг «Биринчи» канални айбдор деб топиш хусусидаги даъвосини қаноатлантириш тўғрисидаги қарорини ўз кучида қолдирди. Гап шундаки, 2006 йил 23 декабрь куни «Время» дастурида Блогшевешенк шахрида ушбу ҳаракат



## «Биринчи» канал айбдор

томонидан ташкиллаштирилган кампания ҳақида репортаж берилган эди. Репортажда ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари намойишга чиққан аҳолига тазйиқ ўтказганлига қарши «Инсон ҳуқуқлари» ҳаракати томонидан ташкиллаштирилган акцияга Борис Березовский маблаг ажратганлиги ҳақида гап боради. Шунингдек унда, ҳаракат вакиллари жабрдийдаларни Европа судига мурожаатнома йўллашга мажбур қилганликлари ҳақида ҳам маълумот берилган.

Останкино тумани суди ҳар иккала фактни ҳам ҳаққоний эмас деб толиб, «Биринчи» каналга «Время» дастури орқали ёлгон ахборот тарқатилганлигини маълум қилиш, суд қарорининг резолюция қисмини тасвирда кўрсатиш, жамоат ташкилотлари раҳбари Л. Пономарёвга тўқазилган 5000 рубл миқдоридagi маънавий зарарни тўлаш мажбуриятини юкледи. Ўз навбатида «Биринчи» канал Москва шаҳар судига мурожаат қилиб ушбу қарорни ўзгартиришни сўради, бироқ суд қарорини ўз кучида қолдирди.

## 15 ёшли қотил

Сешанба куни 15 ёшли америкалик ўспирин ўзи ўқиган мактаб директорининг ўринбосарини ўлдирганлиги ҳақида судда кўрсатма берди. Associated Press ахборот агентлигининг хабар беришича, ўз айбига тўлиқ иқроор бўлган Кеннет Бартли суд томонидан 45 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Бартли 19 ёшигача қаттиқ назорат остидаги тарбия муассасасида сақланади, кейин эса катталар, қамқоқхонасига жўнатилади. 25-29 йил ўтгач, жиноятчи авф этиш комиссиясига амнистия масаласида мурожаат этиши мумкин.

Жиноят тафсилотларига келсак, 2005 йилнинг 8 ноябр куни ёш Бартли Жексборо шаҳрининг Cambell County Comprehensive High School мактаби директорининг хонасига қақрилади. Директор Кеннет Бартли ўзи билан ўқотар курол олиб юрибди деган хабарни эшитида ва шу боис ўқувчи билан таплашиб олмақчи бўлади. Директор кабинетидagi тортишуш вақтида Бартли ёнидаги пистолетни олиб, хонада бўлган директор ва унинг икки нафар ўринбосарига қарата ўқ узди. Натижада мактаб раҳбарининг ўринбосари Кен Брюс воқеа жойида ҳалок бўлади, директор ҳамда унинг иккинчи ўринбосари оғир тан жароҳати оладилар. Маълум бўлишича, пистолет Кеннетнинг отасига тегишли бўлган, ўспирин эса тарбияси оғир болалар рўйхатида турган. Судда ўз айбига иқроор бўлишидан олдин собиқ ўқувчи жароҳатланганлар ва мактаб маъмурияти билан учрашиб, улардан узор сўраган. Курбон бўлган директор ўринбосарининг беваси Жо Брюс судга мурожаат этиб, ўспиринга тайинланган жазо муддатини қамайтиришни сўраган, акс ҳолда Кеннет Бартли умрбод қамқоқ жазосига ҳужм қилиниши мумкин эди.

Москва шаҳар прокуратураси «Бошқа Россия» муҳолифат коалицияси томонидан нашр этил-



## Текшириш бошланди

ган «Бирлашган фуқаролик fronti» газетасининг махсус сони чоп этилгач, текширишлари бошлаб юборди. Интерфакс ахборот агентлигининг хабар беришича, мазкур газетани чоп этилган мақолада «Бошқа Россия» тарафдорлари томонидан 2007 йил 14 апрель куни ўтказилиши режалаштирилган митинг, уни ўтказиш жойи ва тартиби масаласида Москва шаҳар маъмурияти ён босмаётганлиги ҳақида маълумот мавжудлиги прокуратуранинг қонунлари бажарилишини назорат қилиш йўналишида текширишлари бошлаб юборишига сабаб бўлган.

Гап шундаки, муҳолифатчилар 14 апрель куни «Норозилар марши» митингини ўтказиш ниятида Москва шаҳри раҳбариятига мурожаат қилган. Мурожаатномада митинг юриши Пушкин майдонидан Тверь кўчаси бўйлаб ўтиши кўрсатилган, бироқ пойтахт маъмурияти бу режани рад этиб, уларга митингни Бутун Россия Кўргазма маркази ёнида ёки Тушинода ўтказиб қўқолишни таклиф қилган. Митинг ташкилотчилари эътирозларга қарамай намойишни айнан мурожаатномада кўрсатилган жойларда ўтказишларини билдиришган.

Авалроқ, «Бошқа Россия» раҳбарияти Россия ҳукумати вакилларига очик хат билан мурожаат қилиб, муҳолифатчилар намойишини ОМОН кучлари ёрдамида тарқатмасликни ҳамда фуқароларга Конституцияда белгиланган ҳуқуқларини тинч ва оқойишта амалга оширишга рухсат берилишини сўради.



## Ruma компанияси

The Guardian нашрининг хабар беришича, Франциянинг кийим ва безак буюмлари ишлаб чиқарувчи PPR концерни Ruma компаниясини сотиб оладиган бўлди. Компаниянинг харид нархи 5,3 млрд. долларни ташкил этади. Ruma спорт товарлари ишлаб чиқариш бўйича дунёда учинчи ўринда туради. PPR концерни эса Gucci ва Yves Saint Laurent номи остида чиқариладиган товарлари билан машҳур. Ҳозирги кунда концернга француз миллиардери Франсуа Пино бошчилик қилади. PPR расмий вакилининг сўзларига қараганда хозиргача Руманинг Мауфаг компаниясига тегишли бўлган 27 фоиз акцияларини сотиб олиш учун қарийб бир миллиард доллар маблаг сарфланган. Хозирда қолган барча акцияларнинг ҳар бирига 330 евродан пул тўлаш кўзда тутилмоқда. Бу эса Ruma акцияларининг олдинги нархларидан 24 фоиз, 9 апрелдаги ҳолатидан 5 фоиз ошқ демакдир. Таққослаш учун 2007 йил 10 апрель куни бу компаниянинг битта акцияси нархи 314 еврони ташкил этганлигини келтириш мумкин.

Концерн директори Франсуа Пинонинг баёнотида қараганда, ўтган йили 2,4 млрд. доллар фойда кўрган ушбу компания концерн таркибига кирганидан кейин ҳам автоном равишда фаолият юритида ҳамда ҳозирги раҳбариятини, иш жойларини тўлиқ сақлаб қолади.

## Ўрмон эвазига туз...

Конго демократик республикаси ўз ўрмонларининг каттагина қисмини туз, шакар ва бошқа совға-саломлар эвазига худудидagi 21 миллион гектарлик ўрмонни кесиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини беша бир неча хорижий компанияларга 25 йиллик муддатга фойдаланиш учун берди, дея хабар беради The Guardian агентлиги. Бу эса Германия, Португалия, Белгия, Сингапур, АҚШ давлатларининг йиғирмага яқин ёғочсизлик компанияларига Конго

компанияларни асосан бу ўрмонлардаги Африка қарағайи қизиқтирмоқда.

Эслатиб ўтамиз, бу дарахт ёғочининг бир кубометри ўртача минг доллардан баҳоланади. Маҳаллий аҳоли эса бундай шаклдаги айрибошлаш эвазига туз, шакар каби маҳсулотларга эга бўлади, холос.



## Самолёт «ўғриси» таслим бўлди

Туркия полицияси 10 апрель куни маҳаллий Pegasus авиакомпаниясига тегишли самолётни олиб қочган шахсни ҳибсга олди. Бортида 175 нафар йўловчи бўлган самолёт Курдистоннинг маъмурий маркази Дибрбакирдан Истамбулга учаётиб Анкарага мажбуран қўндирилган эди. Пассажирлар ва борт экипажи орасида талофатга учраганлар бор-йўқлиги ва жиноятчи қайси шартларни илгари сурганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Фақатгина самолётни олиб қочган шахс турк миллатига мансублиги, унинг исми Мехмет Гокжи-оғли эканлиги маълум қилинган.



## Ҳақорат қилгани учун

Калининград вилояти депутати Игор Рудников ҳибсга олинб, милиция бўлимига келтирилган. Бу иш суд мажлисига келмагани муносабати билан уни қамқоққа олиш ҳақида Псков тумани суди қарор чиқарганидан кейин амалга оширилган. Игор Рудников «Новые колес» газетасининг муассиси ҳисобланади. У ва газета мухбири Олег Березовский вилоятнинг бир қатор мансабдор шахсларига нисбатан тўхмат уюштирилганда, уларни ҳақорат қилганликда айбланиб, жиноят иши қўзғатилган. Жиноят иши вилоят думасига сайловлар ўтказилаётган вақтда очилган, кейинчалик мазмунан яқинлиги учун бирлаштирилган.

Маълумки, Калининграддан Россияга Литва орқали ўтилади. Бунинг учун фуқарога чет элга чиқиш ҳуқуқини берувчи паспорт мавжуд бўлиши шарт. Рудников эса олдинроқ чет элга чиқиш учун берилган паспортнинг муддати ўтганиги учун судга кела олмаслигини баён қилган. Паспорт бўлими мансабдорлари эса унга янги паспорт беришни пайсалга солишган.

## Британияликларга оид фильм

Яқинда Эронда британиялик денгизчиларнинг қўлга олинishiга оид ҳужжат фильм ва китоб тайёрланиши мўлжалланмоқда, деб хабар беради Reuters ахборот агентлиги. Бу ҳақида сешанба куни Эрон ҳукуматининг расмий вакили баёнот берган. Ҳужжатли фильм денгизчиларнинг асирда сақланиши, сўроқ қилиниши ва уларнинг гувоҳликлари тафсилотларига бағишланади. Эслатиб ўтамиз, Эрон-Ироқ чегарасида қўлга олинган денгизчилар Эрон ҳудудий суварига бостириб кирганликларини тан олишган ва бунинг учун Эрон ҳукуматидан кечирим ҳам сўрашган. Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмадинаждо британиялик денгизчиларни авф этганидан кейин улар ўз ватанларига жўнаб кетганди.

Буюкбританияга қайтганларидан сўнг денгизчилар ўзларининг қўрсатмаларини тазйиқ остида берганликларини айтишиб, эронликлар ўзларига керакли қўрсатмаларни олишда ишлатган усуллар ҳақида маълумот бергандилар. Жумладан, улар ўзларининг бир кишилик камераларда сақланганликларидан ҳамда чегарани бузганлиги учун суд қилиш билан қўрқитилганликларидан шикоят қилишган.

Шундан кейин Бирлашган қироллик мудофаа вазири денгизчиларга бу маълумотларни ОАВга сотиш учун рухсат берди. Денгизчилар бунинг учун миллий телеканал ва босма ахборот воситаларидан каттагина қалам ҳақи ишлаб олишга муваффақ бўлдилар. Масалан, эронликлар томонидан ушланган денгизчи аёл Фей Тернер The Sun газетасидан ва ITVдан 100.000 фунт стерлинг миқдоридa пул олган.



## Безори болаларга совға

Британия ҳукумати мактаб безорилари учун мўлжалланган янги тадбирлар режасини маълум қилди. Эндиликда безориликни ташлаб, ўзларини яхши тутган болаларнинг дам олиш вақтлари кўпайтирилди. Уларнинг ота-онасига

болаларнинг яхши хулқлари учун миқнатдорчилик хатлари юборилади. Болаларга ихчам дисклар, кино учун чипталар, плейерлар ва тоғ велосипедлари совға қилинади. Безориларни тўғри йўлга бошлашга мўлжалланган рағбатлантириш тизими яхши натижа беришига кўпчилик ишонади. Тазлим вазириликдан маълум қилишларича, янгича ёндашуш фарзандларининг ноқобиллиги туфайли доим танбех эшитувчи ота-оналар билан мактаб ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш мумкин. Deuy Telegrafда ёзилишича, расмий маълумотларда мактабдан қочиб юрган болаларнинг сони ортганлиги қайд этилган. Янги ташаббуснинг натижа беришига ҳамма бирдай ишонгани йўқ. Экспертлар бу таклифларни «ясама» деб таърифлашган. Эндиликда ўқувчилар ўзларини яхши тутганликлари учун мукофот олишга ўрганиб қолишади. Ўқитувчилар эса мактабда интизомни мустаҳкамлаш тарафдоридирлар.

## Орол тикланадими?

Қозоғистон Орол денгизини кутқариш мақсадида Жаҳон банкидан яна 126 миллион доллар кредит олиш арафасида, дея хабар беради ВВС. Мазкур кредит Орол денгизининг шимолий қисмини сақлаб қолиш борасида олиб борилаётган тадбирлар учун сарфланади.



Маълумки, катталиги бўйича Ер юзининг тўрттинчи денгизи саналган Оролнинг сувлари ўтган асрнинг етмишинчи йилларидан бошлаб «чекина» бошлаган ва тўқсо-

нинчи йилларга келиб денгиз сувининг тўртдан бири қолган эди. Аввалроқ Жаҳон банкдан ажратилган кредит ҳисобига Қозоғистон денгизининг шимолий қисмини тиклаш борасида бирмунча ижобий кўрсаткичларга эришган. Расмий маълумотларга қараганда, денгиз шимолий қисмининг 40 фоиз майдонига қайта тикланган. Олинажак кредит ҳисобига қуриладиган тўғон денгизини яна эски ҳолатига қайтаришни назарда тутди.

